

**МЕҲМОНХОНАЛАРДА КЎРСАТИЛАДИГАН ХИЗМАТЛАР
РИВОЖЛАНИШИГА ТАЪСИР ЭТУВЧИ ОМИЛЛАР****Рахимов Хасан Абдусанитович***Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти доценти, Phd,**E-mail: hasan.raximov.8888@gmail.com*

Аннотация: *Ҳозирги пайтда барча шаҳарларда ва туристик объектга эга бўлган қишлоқларда меҳмонхоналарнинг кўпайиши рўй бермоқда. Бунга эҳтиёж йилдан йилга охиб бориши ва бошқа бир қанча омиллар таъсир этмоқда. Ушбу мақолада юқоридаги масалалар баён қилинган.*

Калит сўзлар: *туризм, меҳмонхона хўжалиги, аҳоли бандлиги, ялти ички маҳсулот, соҳа, тадбиркорлик, хизмат кўрсатиш соҳаси, эҳтиёж, ижтимоий соҳа, туристик объектлар, аҳолининг яшаш даражаси.*

Кириш.

Замонавий глобал иқтисодиёт шароитида хизмат кўрсатиш соҳаси, хусусан, меҳмонхона индустрияси мамлакатлар иқтисодий тараққиётининг муҳим тармоқларидан бири сифатида жадал ривожланиб бормоқда. Туризм оқимининг ортиши, халқаро алоқаларнинг кенгайиши ҳамда аҳолининг ҳаёт даражаси яхшиланиши меҳмонхона хизматларига бўлган талабни сезиларли даражада оширмоқда. Шу нуқтаи назардан меҳмонхона хизматлари сифати ва уларнинг ривожланишига таъсир этувчи омилларни ўрганиш иқтисодий ва амалий жиҳатдан катта аҳамиятга эга.

Меҳмонхона хизматлари ривожланиши кўп омилли жараён бўлиб, у иқтисодий, ижтимоий, технологик ва институционал омиллар билан узвий боғлиқдир. Хусусан, мамлакатдаги иқтисодий барқарорлик, инвестиция муҳити, инфратузилманинг ривожланиши ҳамда рақобат муҳити меҳмонхона хизматлари сифатини белгилаб берувчи асосий омиллар ҳисобланади. Шу билан бирга, рақамли технологияларнинг жорий этилиши, онлайн брон қилиш тизимлари ва автоматлаштирилган хизмат кўрсатиш механизмлари соҳанинг янги босқичга чиқишида муҳим роль ўйнамоқда.

Шунингдек, меҳмонхона хизматларининг ривожланишига меҳмонлар талаб ва истакларининг ўзгариши ҳам кучли таъсир кўрсатади. Ҳозирги кунда истеъмолчилар нафақат қулай жойлашув ва арзон нарх, балки юқори сифатли сервис, индивидуал ёндашув ҳамда хавфсизлик даражасига ҳам катта эътибор қаратмоқда. Бу эса

меҳмонхоналардан хизмат кўрсатиш стандартларини мунтазам равишда такомиллаштиришни талаб этади.

Асосий қисм.

Ҳозирги пайтда барча шаҳарларда ва туристик объектга эга бўлган қишлоқларда меҳмонхоналарнинг кўпайиши рўй бермоқда. Бунга эҳтиёж йилдан йилга ошиб бормоқда. Бунинг бир қанча сабаблари бор. Буларга қуйидагиларни киртиш мумкин:

1) аҳолининг яшаш даражаси ва даромади ошиб бориши туфайли, одамлар саёҳатга эҳтиёж сезаётганлиги;

2) одамларда мавжуд бўлган бўш вақтини мароқли ўтказиш иштиёқининг пайдо бўлаётганлиги;

3) одамларнинг маданияти, диди ва интеллектуал савиясининг ошаётганлиги ҳамда уларда оламни билишга бўлган иштиёқнинг пайдо бўлиши;

4) аҳолида ҳаракатланиши учун тегишли шароитларнинг вужудга келганлиги, тезюрар поездларнинг жорий қилиниши, ҳар бир оилада ўзининг шахсий енгил машинага эга бўлиши;

5) хорижий мамлакатларга кириш ва чиқишнинг эркинлаштирилганлиги, виза режимининг йўлга қўйилганлиги;

6) дунёда глобаллашув ва интеграцион жараёнларнинг чуқурлашиб бориши ва одамларнинг бир мамлакатдан иккинчисига бориш заруратининг пайдо бўлганлиги;

7) мамлакатлар иқтисодиёти, маданияти ва илмий соҳаларидаги интеграциялашув жараёнларининг давом этаётганлиги ва улар ўртасида кадрлар малакасини ошириш, тажриба алмашиш каби ишларнинг жонланганлиги кабилардир.

Ушбу омилларнинг барчаси пировардида ҳар бир ҳудуд ва мамлакатларда меҳмонхоналарга бўлган эҳтиёжнинг ошишига олиб келмоқда. Ҳозирги пайтда ушбу эҳтиёжни баҳолай билиш лозим. Ҳар бир ҳудудда, шаҳар ва қишлоқда, мамлакатда қачон ва қанча меҳмонхона барпо қилиш керак, деган стратегик прогноз кўрсаткичлар ҳар бир туман ва шаҳар маъмуриятида бўлиши керак. Мавжудларидан самарали фойдаланиш йўллари ишлаб чиқиш ҳам бугунги куннинг муҳим талабларидан бири бўлиб ҳисоланади.

Меҳмонхоналарнинг ривожланишида туристик объектлар билан бирга, тегишли инфратузилманинг ҳам шаклланганлиги муҳим аҳамиятга эга. Бунда туристик объектга ва меҳмонхоналарга борадиган йўлнинг, у ерга коммунал хизматларнинг талаб даражасида ташкил қилинганлиги, у ерда овқатланиш ва савдо шахобчаларининг ташкил қилинганлиги кабиларни киритиш мумкин.

Меҳмонхоналарнинг ривожланишига таъсир этувчи муҳим омиллар гуруҳига туризм соҳасига давлат томонидан бериладиган эътибор ҳам катта таъсир қилади. Буларга қуйидагиларни киритиш мумкин:

- туризмни ривожлантиришга давлатнинг устувор вазифа сифатида қаралиши;
- мазкур соҳани тартибга солувчи меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар тизимининг яратилганлиги;
- туристларнинг ички ва ташқи ҳаракатини ташкил қиладиган турли туристик фирмаларнинг фаолият кўрсатиши;
- туристларнинг хавфсизлигини таъминлаш масаласининг тўлиқ кафолатланганлиги;
- туристик соҳада кўрсатиладиган хизматларнинг маълум андозаларга жавоб бераолиш даражасининг ташкил қилинганлиги, уларга бериладиган лицензия ва сертификатларнинг мавжудлиги;
- туризмни ривожлантириш учун тегишли шароитнинг яратилганлиги, унга ҳудудлар бўйича дастурлар асосида эришиш йўллариининг ишлаб чиқилганлиги;
- туризмга солиқ ва божхона тизимидаги имтиёзлар ва қулайликларнинг яратилганлиги;
- туризм соҳаси учун кадрлар тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимининг ташкил қилинганлиги;
- туризмни ривожлантириш ва ундаги хизматларни диверсификация қилиш ҳамда сифатини оширишга қаратилган илмий-тадқиқот ишларининг олиб борилиши кабиларни киритиш лозим.

Ушбу омилларнинг ҳаммаси туризм ва меҳмонхоналарнинг ривожланиши учун ташкилий-ҳуқуқий асос бўлиб ҳисобланади. Кўриниб турибдики, меҳмонхона хўжалиги ва туризмнинг ривожланиши бир-бири билан узвий боғлиқ бўлган субъектлар ва жараёнлардир. Уларни ривожлантиришда бир ёқлама қараб бўлмайди. Шу туфайли туризм ва меҳмонхона хўжаликларини ривожлантириш бўйича мамлакатимиз ва ҳудудлар кесимида ягона дастурнинг бўлиши мақсадга мувофиқ.

Меҳмонхона хизматлари ўзига хос хизмат тури бўлиб, вақтинча яшайдиган меҳмонларга жойлаштириш, тегишли яшаш шароитини яратиб бериш ва улар билан боғлиқ хизматларни кўрсатади. Бундай хизматларни кўрсатадиган хўжалик юритувчи субъект меҳмонхона хўжалиги бўлиб ҳисобланади. Мазкур субъект мижозларнинг талабидан келиб чиққан ҳолда бир қанча бошқа хизматларин ҳам кўрсатишлари мумкин.

Меҳмонхоналар фаолиятининг кенгайиши ўз-ўзидан содир бўлмайди. Жаҳон амалиётидан маълумки, туризмни ривожлантириш орқали мамлакат иқтисодиётининг

ўсишга, кам тараққий этган ҳудудларнинг ривожланишига, аҳоли бандлигининг ошишига, аҳоли маданиятининг юксалишига олиб келади⁵⁶.

Ўзбекистон учун ушбу соҳани ривожлантиришнинг яна бир муҳим томони шундаки, мамлакатимизнинг қишлоқ жойларида ишсиз аҳолини иш билан таъминлашда ҳам ҳал қилувчи омил бўлиб ҳисобланади⁵⁷.

Хулоса.

Меҳмонхоналарда кўрсатиладиган хизматлар ривожланишига таъсир этувчи омилларни ўрганиш шуни кўрсатадики, мазкур соҳа кўп қиррали ва ўзаро боғлиқ иқтисодий, ижтимоий, технологик ҳамда ташкилий омиллар таъсирида шаклланади ва ривожланади. Меҳмонхона хизматларининг сифати ва рақобатбардошлиги аввало мамлакатдаги иқтисодий барқарорлик, инвестиция муҳити ва инфратузилманинг ривожланиш даражаси билан чамбарчас боғлиқдир.

Тадқиқот натижаларига кўра, хизматлар сифатига таъсир этувчи энг муҳим омиллардан бири бу рақамли технологияларни жорий этиш ҳисобланади. Онлайн брон қилиш тизимлари, автоматлаштирилган хизмат кўрсатиш, электрон тўлов тизимлари ва ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш меҳмонхоналар фаолияти самарадорлигини сезиларли даражада оширади. Шу билан бирга, рақамли трансформация меҳмонлар учун қулайлик ва тезкор хизмат кўрсатиш имкониятларини кенгайтиради.

Иккинчи муҳим омил сифатида инсон омили, яъни ходимларнинг касбий малакаси ва хизмат кўрсатиш маданияти алоҳида аҳамият касб этади. Меҳмонхона соҳасида ишловчи ходимларнинг профессионал тайёргарлиги ва меҳмонларга нисбатан индивидуал ёндашуви хизматлар сифатини белгилаб берувчи асосий омиллардан бири ҳисобланади.

Шунингдек, бозордаги рақобат муҳити ҳам хизматлар ривожланишини рағбатлантиради. Рақобат кучайган шароитда меҳмонхоналар янги хизмат турларини жорий этишга, нарх сиёсати ва хизмат сифатини яхшилашга мажбур бўлади. Бу эса умумий хизмат кўрсатиш стандартларининг ошишига олиб келади.

Хулоса қилиб айтганда, меҳмонхона хизматлари ривожланиши комплекс ёндашувни талаб этади. Иқтисодий барқарорликни таъминлаш, замонавий технологияларни жорий этиш, кадрлар салоҳиятини ошириш ва рақобат муҳитини ривожлантириш орқали соҳанинг барқарор ўсишига эришиш мумкин. Бу эса мамлакатнинг туризм

⁵⁶ Холикулов А., Юлдашева Н. Меҳмонхоналарда сервис сифатини оширишнинг концептуал йўналишлари ва уни баҳолашнинг илмий-назарий ва услубий масалалари // Общество и инновации. – 2021. – Т. 2. – №. 2. – С. 76-86.

⁵⁷ Ortikniyozovich U. F. The Significance of Theoretical Concepts of Services and Service Activity // American Journal of Economics and Business Management. – 2022. – Т. 5. – №. 6. – С. 43-45.

салоҳиятини ошириш ва иқтисодий ривожланишини янада жадаллаштиришга хизмат қилади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Холикулов А., Юлдашева Н. Меҳмонхоналарда сервис сифатини оширишнинг концептуал йўналишлари ва уни баҳолашнинг илмий-назарий ва услубий масалалари //Общество и инновации. – 2021. – Т. 2. – №. 2. – С. 76-86.
2. Ortikniyozovich U. F. The Significance of Theoretical Concepts of Services and Service Activity //American Journal of Economics and Business Management. – 2022. – Т. 5. – №. 6. – С. 43-45.
3. World Tourism Organization (UNWTO). International Tourism Highlights 2023. Madrid, 2023.
4. World Bank. Tourism and Competitiveness in Developing Economies. Washington, DC, 2022.
5. O‘zbekiston Respublikasi Turizm qo‘mitasi. O‘zbekistonda turizm va mehmonxona xo‘jaligini rivojlantirish bo‘yicha hisobot. Toshkent, 2023.